

## **ИЖТИМОЙ БИЛИМЛАР СОҲАСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ**

**ЎзМУ Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими**

**кафедраси докторанти,**

**ТошПТИ Фалсафа кафедраси асс. Куйлиев Б.Т.**

Давлат жамиятнинг мослашувчан функцияси бўлиб<sup>1</sup>, ҳар бир шахсни ижтимоий яхлитликка жалб қилиш воситаси ва ижтимоий танланиш механизмларидан бири сифатида вужудга келган. Унинг пайдо бўлиши ва бир тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиши, жамият бирликлари айрим таркибий бўлинмаларининг инновацион фаолияти маҳсули ҳисобланади<sup>2</sup>. Давлат жамиятни қайта ишлаб чиқариш механизми сифатида умумаҳамиятли сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида намоён бўлади. Давлатнинг тадрижий тараққиёт босқичлари инсониятнинг тадрижий тараққиёт босқичларига мос равишда белгиланади.

Ибтидоий жамият қон-қариндошлик алоқалари, биргаликдаги меҳнат фаолияти, мулкка эгалик ва истеъмолнинг умумий шаклига асосланган. Ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсиротининг ривожланиши жамият синфлари, табақалари, қатламлари ҳамда турли мулкчилик шакллари вужудга келтирган ҳолда давлатнинг пайдо бўлиши учун замин ҳозирлади<sup>3</sup>.

Жамоатчилик вазифалари катта ёшли кишилар томонидан ўзини-ўзи бошқариш асосида амалга оширилганлиги сабабли, ибтидоий жамоа даврида махсус ҳокимиятга эҳтиёж сезилмаган. Дифференциациялашувнинг кучайиши оқибатида социал ҳаётнинг мураккаблашуви кўплаб ижтимоий функцияларни бажариш учун бошқариш ва тартибга солиш ваколатига эга

<sup>1</sup> Қаранг.: *Дробышевский С.А.* Историческое место политической организации общества и права: спорные вопросы // Правоведение. - 1991. - № 4, - Б. 18; *Он же.* Политическая организация общества и право как явления социальной эволюции. - Красноярск 1995. - Б.8.

<sup>2</sup> Қаранг. подробнее: *Косвен М.О.* Очерки истории первобытной культуры - М, 1957. - Б.143.

<sup>3</sup> Қаранг.: *Ефименко П.П.* Первобытное общество. - Киев 1953. - Б. 78.

алоҳида орган мавжуд бўлишини талаб қилар эди. Давлатни ташкил этишнинг генетик шарт-шароитлари бошқарув функцияларини бажарадиган уруғ-айм оқларнинг чўққиси шаклида мавжуд бўлган. Бироқ, ривожланишнинг асосида иқтисодий дифференцияси ётадиган жамиятларда кишилар гуруҳлари манфаатларининг фарқланиши ҳам табиий ҳисобланган. Аммо жамият яхлит бутунлик сифатида амал қилиши лозим; аниқроғи турли халқларнинг уриш ва тинчлик билан алоқадор ўзаро муносабат шакллари ва усулларини ишлаб чиқадиган жамиятни бошқарадиган ҳокимият функцияси эга орган зарур эди. Буларни амалга ошириш эса ўз навбатида давлатнинг вакили сифатида маълум тузилмаларнинг мавжуд бўлишини талаб қилар эди.

Шундай қилиб, давлатчиликнинг илк асослари инсоният жамиятининг пайдо бўлиши билан бир пайтда қадимги ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклида вужудга келди. Айни босқич ижтимоий жамоаларнинг табиий танланишида омон қолишни таъминлаган ҳолда кейинчалик жамият билан биргаликда муносабатлар алмашинувига асосланган ва ривожланган замонавий давлатга айланди.

Маълумки, давлат кишилиқ жамияти тараққиёти ҳамда цивилизациялар шаклланиш жараёнларининг маҳсули ўлароқ вужудга келган. Бундан келиб чиқан ҳолда давлат ўзининг мавжудлиги учун зарурий равишда жамиятнинг мавжуд бўлишини талаб қилади.

Давлат – шароитга боғлиқ равишда турли шаклларда намоён бўлувчи кўп қийматли ҳодиса ҳисобланади<sup>1</sup>. Гарчи давлат муайян реаликка эга бўлмасада, унинг мавжудлиги доим сезилиб турадиган, айни пайтда ҳам ғоя ҳам факт, ҳам абстракт катогерия ҳам ташкилот сифатида намоён бўладиган кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади<sup>2</sup>. Давлатни мушук ҳаракатланувчи субъект

<sup>1</sup> Қаранг: *Ardant Ph. Installations politiques et droit constitutionnel.* - Paris, 1989. - P. 16.

<sup>2</sup> Қаранг: *Лаку-Лабарт Ф., НансиЖ-Л.* Нацистский миф. - СПб., 2002. - Б. 20.

бўлиб, уни ягона маънавий шахсиятни шакллантирувчи авлодлар уюшмаси сифатида тавсифлаш мумкин<sup>1</sup>.

М.Н.Марченкога кўра, давлат тушунчасининг назарий жиҳатдан кўп қийматли категория эканлиги биринчи навбатда давлат шаклланадиган ва ривожланадиган вақт билан қолаверса, шунга мувофиқ тарзда жамият, ижтимоий онг ва тафаккурнинг тараққиёт даражаси билан изоҳланилади. Мазкур тушунча ўта тор мажус маънода жамиятнинг бирор-бир алоҳида органи ёки органларини масалан бошқарув органини англатувчи категория сифатида қўлланилади.

Кўпинча, «давлат» деганда муайян халқ ёки олий ҳокимият эмас, балки қолган ижтимоий гуруҳларнинг барчасига қарама-қарши қўйиладиган аппарат, бюрократия тизими тушинилади.

Гегел давлатни муайян тузилмага эга жонли организмга ўхшатади<sup>2</sup>. Давлат ягона сиёсий мувофиқликдаги кишилар ижтимоий ташкиллашувининг нисбатан мукамал даражаси ҳисобланади<sup>3</sup>. Шу маънода кишиларнинг шахсий манфаатлари яхлит тизимнинг мавжуд бўлиши учун талаб қилинадиган зарурий шартларга бўйсундирилиши лозим.

Г.Келсеннинг фикрига кўра давлат тушунчаси бир нечи маъноларда қўлланилиши мумкин. Юридик маънода у юридик шахс ҳуқуқий феномен ўзига ҳос корпорация сифатида кўриб чиқилади<sup>4</sup>. Социологик маънода давлат ҳуқуқий реалликдан мустақил равишда мавжуд бўлувчи социологик умумлашмани англатади. Бу жиҳатдан у ҳуқуқий воқеликдан мустақил равишда мавжуд бўлган социологик бирлашма сифатида намоён бўлади.

Социологик нуқтаи-назардан ҳокимиятнинг турли органлар ўртасида

<sup>1</sup> Қаранг: Чичерин Б.Н. Избранные труды. - СПб., 1997 - Б. 117.

<sup>2</sup> Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Т. VII. -Б. 277.

<sup>3</sup> Қаранг: Ильин И.А. Философия Гегеля как учение о конкретности Бога и человека. Т. 2: Учение о человеке. - М., 1918. - Б. 212-213.

<sup>4</sup> Қаранг: История политических и нравовых учений (П.С. Грацианский, В.Д. Зорькин, Л.С.Мамут, В.С. Нерсисянц) / Под ред. В.С. Нерсисянца. - М., 1983. - Б. 320

тарқалиши давлатнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши вақтидан бошлаб амал қилиб келаётган ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Шунингдек давлат жонли табиий организм сифатида ҳам тавсифланиши мумкин<sup>1</sup>. Г.Келсен ҳамда давлатнинг органик назарияси тарафдорлари мазкур ёндашувни қўллаб қувватладлар. Мазкур ёндашувга кўра, жамият тушунчаси организм тушунчаси билан тўлалигича айнанлаштирилиб давлат эса унинг фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи ягона институти сифатида талқин қилинади.

Бундан ташқари айрим замонавий тадқиқотларда давлатнинг келиб чиқиши ва ривожланиши глобаллашув концепцияси нуқтаи-назаридан ҳам ўрганилмоқда. Глобаллашув жараёнининг иқтисодий, сиёсий, техник, ахборий сингари жамият соҳаларига жадаллик билан кириб бориши давлат категорияси мазмунини тушунишга бўлган ёндашувларни ҳам ўзгаришига олиб келади. Аниқроғи, бундай ёндашувларда глобаллашув шароитида давлатнинг суверенитетлик хусусияти заифлашиши ҳодисасига алоҳида урғу берилади.

Кўриниб турибдики, давлатнинг тушунча ва ҳодиса сифатида мураккаб ҳамда кўп қиррали характери табиий равишда уни тушиниш ҳам талқин этишга оид хилма-хил вариантдаги ёндашуларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Юқорида илгари сурилган мулоҳазалар таҳлилларини умумлаштириб шуни айтиш мумкинми давлат жамиятга нисбатан бирламчи ҳисобланади. Бугунги замонавий даврда давлат ҳодисасини унинг бошқарув аппарати ва аҳолиси билан айнанлаштириш ноўрин. Шу маънода давлат категориясини кенг ва тор ёндашув нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш тавсия этилади.

Жамият ва давлат ўртасидаги мафкуравий ва назарий қарама-қаршиликлар объектив хусусиятга эга бўлиб, давлат ва хусусий манфаатлар

<sup>1</sup> Қаранг: *Спиркин А.Г.* Философия: Учебник - М.: Гардарики, 2003. -Б. 513-519.

ўртасидаги муҳим фарқларга асосланади. Замонавий давлат доимий равишда мониторинг олиб борилиши керак бўлган жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз ўз вазифаларини самарали амалга ошира олмайди.

Давлат механизми жамиятда ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлигини таъминлайдиган, давлат институтларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишда қатнашадиган давлатнинг фаолият соҳасига кириб борадиган жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақбул тизими саналади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Иллюстрированный энциклопедический словарь Брокгауза Ф.А. и Ефрона И.А. Т. 12. - М.: Изд-во Эксмо, 2006.
2. Энциклопедический социологический словарь / Под общ. ред. Г.В. Осипова. - М., 1995.
3. Севоротьян Р.Э. Государство как категория политической науки. Опыт теоретического и прикладного исследования: Автореферат дисс.докт. философ, наук. - М., 1996.
4. Дробышевский С.А. Историческое место политической организации общества и права: спорные вопросы // Правоведение. - 1991. - № 4; Он же. Политическая организация общества и право, как явления социальной эволюции. - Красноярск, 1995.
5. Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. - М., 1957.
6. Ефименко П.П. Первобытное общество. - Киев, 1953.
7. Спиркин А.Г. Философия: Учебник - М.: Гардарики, 2003. -Б. 513-519.
8. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права. Учебник Т.П. М., 1998.

- 
9. Хрестоматия по политологии. ЧП. Составитель - Сергунин А.В.  
Арзамас, 1994
  10. Еллинек Г. Общее учение о государстве / Вступительная статья И.Ю.  
Козлихина. -СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004.